
Солиқ қонунчилигидаги янгиликлар

Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси: асосий ўзгаришлар нималардан иборат ?

Солиқ ислохотларини амалга оширишда 3 та масала – солиқ юкини камайтириш, солиққа тортишни соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришни ҳал этиш вазифаси белгиланган эди.

Солиқ юкини камайтириш бўйича:

Биринчиси, ҚҚС бўйича ҳосил бўлган ортиқча суммани, яъни “манфий” қолдиқ суммасини тўлиқлигича қайтариш, асосий воситалар ҳамда кўчмас мулк объектлари бўйича ҚҚС бир йўла ҳисобга олиниши белгиланмоқда.

Иккинчиси, бюджет ташкилотларидан бошқа барча тадбиркорлик субъектлари учун ягона ижтимоий тўлов 12 фоиз (олдин 25 фоиз эди) миқдорида белгиланмоқда.

Учинчиси, якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган солиқ суммаси ўртача 30 фоизга камайтирилмоқда.

Солиққа тортишни соддалаштириш бўйича:

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг лойиҳасида амалдаги солиқлар сони 13 тадан 9 тагача камайтирилмоқда.

Якка тартибдаги тадбиркорларга солиқларни тўлашни танлаш ҳуқуқи берилмоқда.

Хусусан, улар солиқни қатъий белгиланган миқдорларда тўлаш ёхуд жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисида декларация асосида тўлаши мумкин бўлади.

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича:

Солиқ назорати шакллари 13 тадан 2 тага қисқартирилди.

Текширишларни тайинлаш тартибига ўзгартириш киритилмоқда, текширишлар инсон омилсиз фақат “Таҳлика-таҳлил” дастури асосида 3 та сегментга бўлиш асосида амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органлари эндиликда жарималарни профилактик тадбирлар ўтказгандан кейингина қўллаиди.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларнинг ўзгариши

Янги таҳрирдаги солиқ кодексида ҚҚС дан озод этиладиган реализация қилиш оборотлар, операциялар рўйхати сезиларли даражада оптималлаштирилди.

Бунда, мактабгача таълим муассасаларида болаларни тарбиялаш, беморлар ва кексаларни парвариш қилиш, пенсия ва нафақалар тўлаш, таълим соҳаси ҳамда тиббиёт хизматлари каби ижтимоий йўналтирилган имтиёзлар сақланиб қолинди.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 243-моддасига мувофиқ, рақобатга таъсир кўрсатувчи имтиёзлар бекор қилинади.

Хусусан, туристик хизматлар кўрсатиш, қўриқлаш бўлинмаларининг хизматлари, давлат резервининг товар-моддий захираларини янгилаш, ОАВда етказиб бериш хизматлари, кўчмас мулк объектлари, тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган қурилишлар (Ҳукумат қарорига асосан).

Солиқ ставкасини камайтирилиши билан бир қаторда имтиёзларни оптималлаштириш тўлақонли ҳисобга олиш тизимни яратишга ҳамда солиқ маъмуричилигини соддалаштирилишига имкон

беради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи корхоналари томонидан тўланадиган солиқлар

Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромади **бир миллиард сўмдан ошмаса** ҳамда суғориладиган қишлоқ хўжалиги **экин майдони эллик гектаргача бўлса:**

- айланмадан олинадиган солиқ (4%);

- мол-мулк солиғини (2%);

- ер солиғи (0.95%);

- сув ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ (1 куб метр учун ер усти 140 сўм, ер ости 170 сўм)

- ижтимоий солиқ (12%);

- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини (12%);

Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромади **бир миллиард сўмдан ошса** ҳамда суғориладиган қишлоқ хўжалиги **экин майдони эллик гектар ва ундан ортиқ бўлса:**

- қўшилган қиймат солиғи (15%);

- мол-мулк солиғини (2%);

- ер солиғи (0.95%);

- сув ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ (1 куб метр учун ер усти 140 сўм, ер ости 170 сўм);

- ижтимоий солиқ (12%);

- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини (12%);

- ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ;

- акциз солиғи.

Солиқ қонунчилигидаги янгиликлар

Солиқ тури	2019 йилда Белгиланган ставкалар	2020 йилда Белгиланган ставкалар
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	12%	15%
ҚҚС	20%	15%

Мол-мулк солиғи	5% - юридик шахс 0,2% - жисмоний шахс	2% - юридик шахс 0,2% - жисмоний шахс
Ягона ижтимоий тўлов	25%	12%
Акциз солиғи		
алкогол маҳсулотлари ва пиво учун	қатъий белгиланган суммада	2 босқичдаги индексация: 01.04.2020 (8%) 01.10.2020 (7%)
тамаки маҳсулотлари учун	1000 дона учун 141500 сўм	2 босқичдаги индексация: 01.04.2020 - 152800 сўм (8 %) 01.04.2020 - 163500 сўм (7 %)
охирги истеъмолчига сотиладиган:		<u>01.04.2020 дан:</u>
бензин ва дизель ёқилғиси	1 литр учун 285 сўм	1 литр учун 350 сўм
суюлтирилган газ	1 литр учун 285 сўм	1 литр учун 350 сўм
сиқилган газ	1 куб. метр 435 сўм (нархидаги улуши 19,7%)	1 куб. метр 500 сўм (нархидаги улуши 22,7%)

ЯТТ лар учун Солиқ қонунчилигидаги янгиликлар

Фаолият тури	2020 йил учун		
	Белгиланган ставкалар		
	Қатъий белгиланган солиқнинг бир ойдаги ставкаси (сўмда)		
	Нукус ш. ва вилоят бўйсунувидagi шаҳарлар	Бошқа шаҳарлар	Бошқа аҳоли пунктлари
Чакана савдо:			
озик-овқат товарлари ва ноозик-овқат товарлари билан	600 000	300 000	200 000
деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан*	150 000	100 000	50 000

газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан	150 000	100 000	50 000
Маиший хизматлар	150 000	100 000	50 000
Миллий ширинликлар ва нон- булка маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш	150 000	75 000	50 000
Болалар ўйин автоматлари	150 000	75 000	50 000
Бошқа фаолият турлари	150 000	75 000	50 000
Автомобиль транспортида юк ташиш хизматлари:			
3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	150 000	150 000	150 000
3 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	225 000	225 000	225 000

2020-01-17 18:15:03